

**БУЮК БРИТАНИЯ СОЛИҚ ТИЗИМИДА КОРХОНАЛАР ФОЙДА
СОЛИҒИ**

Рахимов Матназар Юсунович

ТДИУ профессори, rahimovm@gmail.com

ORCID: 0000-0002-8989-2943

Юнусов Жасур Нуриддинович

ТДИУ мустақил изланувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Буюк Британия солиқ тизимида корхоналар фойдасига солинадиган фойда солиғи, солиқ қонунчилиги нуқтаи назаридан даромад деб ҳисоланадиган ва даромад сифатида қаралмайдиган тушумлар, солиқ базасидан чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлар, солиқ ставкалари ва имтиёзлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: фойда солиғи, солиқ базаси, солиққа тортиладиган даромад, ҳисобот даври, харажатлар, солиқ ставкаси, имтиёзлар.

Буюк Британия солиқ қонунчилигида аосий ҳужжат ҳисобот даври учун қабул қилинадиган молиявий акт ҳисобланади. Ҳозирги кунда амалга бўлган энг сўнгги ҳужжат “2023 Моливий акт” дир. Солиқ тизимидаги ижро этувчи орган вазифасини “Буюк Британия солиқ ва божхона бошқармаси” (HMRC) бажаради. Солиқ тизими максимал даражада автоматлаштиришган бўлиб барча ҳисоботлар ва тўловлар асосан электрон тизим орқали амалга оширилади.

Буюк Британия солиқ тизимида корхоналар фойдасидан “фойда солиғи” (Corporate tax) тўлайдилар. Фойда солиғи корхонанинг ҳисобот давридаги солиққа тортиладиган умумий фойдасига қараб ҳисобланади. Ҳисоб даври корхонанинг ҳисобот даври билан бир хил бўлиши шарт эмас. Бунда, “ҳисоб даври” ва “ҳисобот даври” тушунчаларини фарқлаш жуда муҳимдир.

Ҳисоб даври – бу корхона ўзининг ҳисоб-китобларини тайёрлайдиган даврдир. Бу одатда 12 ёки ундан қисқа ва узун бўлиши ҳам мумкин.

Ҳисобот даври – бу фойда солиғи ҳисобланадиган давр бўлиб, у 12 ойдан узоқ бўлиши мумкин эмас. Буюк Британияда корхоналар учун солиқ даври 1 апрелдан бошланади ва кейинги йилнинг 31 мартда тугайди.

Буюк Британияда резидент бўлган юридик шахслар фойда солиғи тўловчилари ҳисобланади. Қуйидагилар резидент ҳисобланади:

- Буюк Британияда ташкил қилинган юридик шахслар;

- дунёнинг бошқа жойида ташкил қилинган бўлсада, марказий Буюк Британиядан бошқариладиган ва назорат қилинадиган юридик шахслар.

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Фойда солиғи базасига резидентларнинг Буюк Британиядаги ва хорижий давлатлардаги даромадлари қўшилади. Норезидентлар фақат Буюк Британия худудида олган даромадларидан солиқ тўлашади.

Фойда солиғини ҳисоблаш мақсадларида, корхоналарнинг даромадлари қуйидаги турларга бўлинади:

1-жадвал

Даромад турлари

Даромад тури	Тавсифи
тадбиркорлик фаолиятдан олган соф даромадлари	корхонанинг асосий фаолиятдан олинган даромадлари
фоиз кўринишидаги даромадлар	барча фоиз кўринишидаги даромадлардан фоиз кўринишидаги харажатлар айирмасига тенг
мулкӣ даромадлар	барча ижарага тайёрланган ва махсус тайёрланмаган мулкларни ижарага беришдан олинган соф фойда ёки зарар
бошқа даромадлар	асосий фаолият турига боғлиқ бўлмаган роялтилар бўйича олинган даромадлар ва қолган гуруҳларга киритилмаган бошқа даромадлар
активлар чиқиб кетишидан олинган даромадлар	активларни сотишдан ёки бошқа шаклда чиқиб кетишидан олинган даромадлар

Корхоналарнинг тадбиркорлик фаолиятдан олган соф даромадлари қуйидагича топилади:

Асосий фаолиятдан олинган даромадлар	-	Солиқ мақсадларида чегириладиган харажатлар
--------------------------------------	---	---

Солиқ мақсадларида чегиришга рухсат этилмайдиган асосий харажат турлари қуйидагилар

- тўлиқ ва айнан асосий фаолиятни амалга ошириш учун қилинмаган харажатлар;
- кўнгил очар тадбирлар учун қилинган харажатлар (ходимлар учун уюштирилган тадбирлар бундан мустасно);
- амортизация

Буюк Британия солиқ қонунчилигида амортизация чегирилмайдиган харажатлар таркибига киритилган, аммо солиқ базасидан капитал харажатларни маълум миқдорда чегиришга рухсат этилади.

Капитал харажатларни чегириш бўйича қуйидаги чегирма турлари мавжуд:

- йиллик инвестицион чегирма;
- биринчи йил чегирмаси;
- қийматни камайтириш чегирмаси;

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Йиилик инвестицион чегирма – максимал миқдори 1 млн фунт стерлинг. Яъни бир йил давомида ушбу миқдоргача бўлган қийматда сотиб олинган машина ва ускуналар қиймати солиқ базасини камайтиради.

Биринчи йил чегирмаси – бу янги сотиб олинган CO₂ эмиссияси ногна тенг бўлган автомобиллар учун берилади. Бу автомобиллар қиймати ҳам корхоналар фойда солиғи базасини камайтиради.

Қийматни камайтириш чегирмаси – бу асосий (18%) ва махсус ставка (6%) бўлимларига тушадиган капитал харажатларни камаювчи қолдиқ қиймати бўйича амортизация қилиб ҳисобланади.

Агар корхонанинг ҳисобот даври 12 ойдан кичик бўладиган бўлса йиллик инвестицион чегирма ва қийматни камайтириш чегирмаси пропорционал равишда камайтирилади, биринчи йил чегирмаси қиймати бўлса ўзгармасдан қолаверади.

Агар корхонанинг ҳисобот даври 12 ойдан кўп бўладиган бўлса биринчи ҳисобот даври 12 ойга тенг деб ҳисобланади ва қолган ойлар иккинчи давр сифатида қаралади. Иккинчи давр учун чегирмалар юқорида кўрсатилган тартибда пропорционал равишда камайтирилади.

Белгиланган талабларга жавоб берадиган хайрия харажатлари учун имтиёз берилади:

- корхона томонидан хайрия учун қилинган барча харажатларни солиқ солиш мақсадида умумий даромадидан чегирилади;
- корхона томонидан қилинган хайрия харажатларининг гросс суммаси олинади;

Фойда солиғи мажбурияти солиққа солинадиган базасини солиқ ставкасига кўпайтириш орқали ҳисобланади. “2023 йил Молиявий Акти”га асосан 1 апрел 2023 йилдан 31 март 2024 йилгача қуйидаги фойда солиғи ставкаси амал қилади.

2-жадвал

Фойда солиғи мажбурияти ҳисоб-китоби

Тартиб	Қуйи лимит		Юқори лимит	Тартиб
Агар корхонанинг солиққа тортиладиган фойдаси куйи лимитдан паст бўлса 19%	50,000 фунт стерлинг	Агар корхонанинг солиққа тортиладиган фойдаси икки лимит оралиғига тушадиган бўлса, 25% ставка бўйича солиқ ҳисобланади ва солиқ мажбуриятидан махсус кўшимча имтиёз суммаси айрилади.	250,000 фунт стерлинг	Агар корхонанинг солиққа тортиладиган фойдаси юқори лимитдан баланд бўлса 25%

Махсус кўшимча имтиёз – қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

(юқори лимит – кўпайтирилган фойда)*3/200*Солиққа тортиладиган фойда/кўпайтирилган фойда

Юқоридаги ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан кейин корхонанинг фойда солиғи бўйича солиқ мажбурияти пайдо бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Буюк Британия 2023 Молиявий акти. Kaplan, Taxation (TX-UK), Study text, Great Britain, 2023. www.legislation.gov.uk
2. М.Алимарданов, Н.Қўзиёева, Ш.Ражабов.-“Солиққа тортишнинг халқаро андозалари” номли ўқув кўлланмаси. Iqdisodiyot-2019 yil.
3. Ш.Ш.Шамсутдинов, Ш.Ф.Шамсутдинова “Чет мамлакатлар солиқ тизими” Дарслик-Т.: “Fan va texnologiya”, 2011 yil.
4. Brian J. Arnold, Michael J. McIntyre, International Tax Primer, Second Edition, Kluwer Law International, The Hague/London/New York, 4-7 pp. 7. <https://soliq.uz/page/xalqaro-hamkorlik>
5. Mamatqulov A.X. (2022). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish faoliyati bo'yicha xom ashyo va materiallar hisobini takomillashtirish. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting"*, Issue 6, December 2022
6. Рахимов, М. Ю., & Рузмаматов, А. К. (2024). Янги лойиҳалар бошқарувидаги иқтисодий дастакларни такомиллаштириш. *World scientific research journal*, 23(2), 362-375.
7. Raximov, M. Y. (2015). Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O'quv qo'llanma. T.: “Iqtisod-moliya.
8. Klichev, B. (2024, fevral 23). Inson kapitalini rivojlantirishda ishchilar harakati tahlili. Ilm-fan taraqqiyotida mintaqaviy iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag'allikni qisqartirish, Farg'ona, O'zbekiston. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10901976>
9. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting"*, Issue 1, February 2023..
10. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>
11. Сагдиллаева, З. А., & Файзиев, У. Ш. (2023). АНАЛИЗ И ОЦЕНКА ФИНАНСОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ. In *Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития* (pp. 201-207).
12. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилин ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>
13. Рахимов, М. Ю., Мавланов, Н. Н., & Каландарова, Н. Н. (2022). Экономический анализ. Учебник. Т.: «Экономика-Финансы.
14. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

15. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.
16. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>
17. Mamatqulov A.X. (2024). Qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish hisobi va tahlilini takomillashtirish. *Jahon ilmiy tadqiqot jurnali*, 26(3), 132–140. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3256>.
18. Сагдиллаева, З., Чориев, И., Максмудов, А., & Юлдашева, Ю. (2007). Экономический анализ.
19. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). Ишчилар кўнимсизлиги таҳлили. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>
20. Pardayevich, K. B. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of new century innovations*, 6(1), 67-79
21. Mamatqulov A.X. (2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida xarajatlarini boshqarish va hisobga olish usullari. *Moliya ilmiy jurnali*, 3-son.
22. Mamatqulov A.X.(2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlari bo‘yicha tannarxni hisoblash usullarini takomillashtirish https://gospodarkainnowacje.pl/index.php/issue_view_32articleview1910